

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 1 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 1**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 1**



Бош муҳаррир:

Холбеков Муҳаммадҷон

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Тўхтасинов Илҳом

ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Тахрир хайъати:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўгли

ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форг

Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

ф.ф.д. (Грузия)

Юсупов Ойбек

масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

Главный редактор:

Холбеков Муҳаммадҷон

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:

Тухтасинов Илҳом

к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

Редакционная коллегия:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умар оглы

д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Джеймс Форг

Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Балтабаев Ҳамидулла

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

д.ф.н. (Грузия)

Юсупов Ойбек

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

Editor in Chief:

Kholbekov Muhammadjan

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

Tuhtasinov Ilhom

Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Editorial Board:

Bakhtiyor Nazarov

academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli

Doc. of philol. sci., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova

Doc. of philol. sci., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim

Doc. of philol. sci., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail

Doc. of philol. sci., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort

University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar

Doc. of philol. sci. (Georgia)

Yusupov Oybek

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Адабиётшунослик

1. Rahmonqulova Zarnigor

DISTOPIK EKZISTENSIALIZMNI INGLIZ YOZUVCHISI UILYAM GOLDINGNING "LORD OF THE FLIES" ROMANIDA AKS ETISHI.....6

2. Усманова Севара

ЧЎЛПОН ВА С.РИЧАРДСОН РОМАНЛАРИДА БАДИИЯТ МУАММОЛАРИ.....14

3. Yusupova Dildora

SHOIR SO‘Z AYTGANI KELAR DUNYOGA...(Shoira Halima Xudoyberdiyevaning hayot va ijod yo‘liga chizgilar).....21

4. Қўчқорова Садоқат

ФОЛЬКЛОРДА ЭРТАКНИНГ ЖАНР СИФАТИДАГИ ХУСУСИЯТИ.....28

5. Мажитова Сабоҳат, Ярашов Шариф

АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ВА АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА «ДИЛ» (ЮРАК, ҚАЛБ) ТИМСОЛИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МАЙДОНИ.....35

6. Джалилова Зарнигор

ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИДА ИНСОН СИФАТЛАРИНИНГ ГУЛЛАР ТИМСОЛИДА ИФОДАЛАНИШИ.....42

Лингводидактика

7. Khamzaev Sobir, Gilyazetdinov Eldar

THE PRINCIPLES OF SPEAKING SKILLS' FORMATION AMONG STUDENTS OF LINGUISTIC UNIVERSITIES.....48

Тилшунослик

8. Boygucheva Lola

THE ROLE OF DISCOURSE ANALYSIS IN MODERN LINGUISTIC THEORY.....54

9. Кобилова Азиза

ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР ЎРНИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ПЕРИФРАЗЛАР ТАҲЛИЛИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....59

10. Mamanazarova Gulhayo, Paluanova Halifa

ISSUES ON OIL AND GAS TERMINOLOGY IN LINGUISTICS.....65

11. Melikova Elnora, Abdullayeva Nargiza

PRIMARY AND SECONDARY PREDICATION.....71

12. Saidova Farida

O‘ZBEK TILI LEKSIK SINONIMLARINING LEKSIKOGRAFIK TALQINI.....77

13. Turniyazov Behzod

FAKTIVLIK ASOSIDAGI KAUZATSIYA.....83


14. Гафуров Бахтиёр АНАЛИЗ ЛИНГВОСТАТИСТИЧЕСКОЙ ХАРАКТЕРИСТИКИ АКЦЕНТНЫХ ФОНОВАРИАНТОВ ИМЕН СУЩЕСТВИТЕЛЬНЫХ РУССКОГО ЯЗЫКА.....	91
15. Ибаев Анвар КОМПАРАТИВ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАР ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ЎРГАНИЛИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА.....	97
16. Исмаилов Тургун ПРЕЗИДЕНТ ДИСКУРСИДА HOMELAND КОНЦЕПТИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ОРҚАЛИ ТАСАВВУР ЭТИЛИШИ (FREEDOM, LIBERTY ҚАДРИЯТИ МИСОЛИДА).....	103
17. Камолитдинова Вазира ОКСЮМОРОН ВА УНИНГ УСЛУБИЙ - СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.....	111
18. Нигматова Лолахон ЎЗБЕК ТИЛИ МАХСУС КОРПУСЛАРИ – ТИЛ ВА МАДАНИЯТ МУШТАРАКЛИГИНИ ЎРГАНИШ ВОСИТАСИ.....	116
19. Сабирова Ёъзоа ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРИДА ЎЗЛАШМА ЮРИДИК ТЕРМИНЛАР ТАЛҚИНИ.....	121
20. Сулаймонова Нигора ЗАМАХШАРИЙ ГЎЗАЛ НУТҚ ВА САБР ОДОБИ ҲАҚИДА.....	130
21. Тўева Зулфия, Юлдашева Дилором БАЁН ВА УНИНГ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА.....	137
22. Xolova Muyassar BOYSUN SHEVASI ONLAYN MA'LUMOTLAR BAZASI (QIDIRISH VA SARALASH IMKONIYATLARI ASOSIDA).....	146
23. Abdullayeva Oqila Holmo'minovna O'ZBEK TILI KORPUSINI YARATISH BOSQICHLARI VA MUAMMOLI JHATLARI....	153
24. Abdunazarova Zarina Islomovna THE FORMATION OF SPEECH COMPETENCE.....	146
25. Nilufar Abduraxmonova O'ZBEK TILI KORPUSINI YARATISHDA LINGVISTIK ANNOTATSIYALASH TAMOYILLARI.....	164
26. Shamuradova Naima O'ZBEK VA INGLIZ XALQ MAQOLLARINING QIYOSIY O'RGANILISHI HAQIDA (ASOSIY QISMLARINI QO'LLASH).....	171
27. Яхёева Гулнора Бахтиёровна ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ.....	175

28. Irgasheva Umida INGLIZ TILI DARSLARIDA TALABALAR KASBIY NUTQ KOMPETENTSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHDA STEAM TEXNOLOGIYALAR AHAMIYATI.....	179
29. Jumaniyozova Nuriya Axmedovna YURIDIK DISKURS LINGVISTIK TADQIQOT OBYEKTI SIFATIDA.....	184
30. Khayitova Feruza Abdikhalikovna THE PRACTICAL ANALYSIS OF TOPONYMS IN GREAT BRITAIN BASED ON THE STORY OF A. CONAN DOYLE "THE HOUND OF THE BASKERVILLES".....	188
31. Z. Masodiqova, Sh. Xatamqulova O'ZBEK VA NEMIS MAQOLLARINI QIYOSHLASH.....	193
32. Teshaboyev Dilmurod Rahmadjonovich, Axmadjonova Mohinur Bahodirovna SON SO'Z TURKUMINING BOSHLANG'ICH SINF DARSLIKLARIDA IFODALANGAN SHAKLLARINI AKT ORQALI TUSHUNTIRISH.....	193
33. Maxmurova Mavjuda Halimovna METAFORALAR NUTQ SHAKLI SIFATIDA.....	204
34. Nazarov Rustam Irkinovich THE IMPORTANCE OF PAIR WORK AND GROUP WORK ACTIVITIES IN TEACHING ENGLISH IN TECHNICAL UNIVERSITIES.....	210
35. Saidbekova Raykhona Rustambekovna, Ruzmatova Dilnoza Ramatjonova FAMILY PERSPECTIVES IN THE NOVEL "AND THE MOUNTAIN ENCHOED" BY KHALED HUSSEINI.....	217
36. Алижон Раҳматович Қосимов, Хумора Муҳаммадиса қизи Иминова ТИЛНИНГ БИОПСИХОСОЦИАЛ ОНТОЛОГИК МАҚОМИ МУАММОЛАРИ.....	222

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Қўчқорова Садоқат Тошпўлатовна
Самарқанд давлат чет тиллар институти докторанти (PhD)
e-mail: ksadokat@yahoo.fr

ФОЛЬКЛОРДА ЭРТАКНИНГ ЖАНР СИФАТИДАГИ ХУСУСИЯТИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-1-4>

АННОТАЦИЯ

XVII ва XIX асрлар фольклорда эртақларни тўплаш ва нашр этиш билан биргаликда, уларнинг генезиси тўғрисидаги қарашларнинг юзага келиши ва ривожланиши билан аҳамиятлидир. XX аср эса, айниқса рус фольклоршуноси В. Проппнинг “Эртақ морфологияси” китоби нашридан сўнг, эртақ матнини тадқиқ қилишда структурал ёндашувнинг энг қизғин даври ҳисобланади. Ушбу даврда олимлар томонидан Пропп назарияси асосида турли илмий назариялар ривожлантирилади. Ушбу мақолада халқ оғзаки ижоди намуналаридан бўлмиш эртақ жанрининг фольклорда тутган ўрни, ўзига хос хусусиятлари ва илмий жиҳатдан ўрганилганлиги хусусида гап боради. Жумладан, турли тарихий даврларда эртақ жанрига бўлган турлича илмий ёндашувлар таҳлил қилинади..

Таянч сўзлар: фольклор, эртақ жанри, эртақлар генезиси, Аарне-Томпсон кўрсаткичи, актантли схема, Меккано схемаси

Садоқат Тошпўлатовна Кучкарова
Докторант (PhD)

Самарқандский государственный институт иностранных языков
e-mail: ksadokat@yahoo.fr

О РОЛИ СКАЗКИ КАК ЖАНРА В ФОЛЬКЛОРЕ

АННОТАЦИЯ

XVII и XIX века имеют важное значение в фольклоре, наряду со сбором и публикацией сказок, появлением и развитием взглядов на их генезис. В XX веке, особенно после публикации книги русского фольклориста В. Проппа «Морфология сказки» наступил самый напряженный период структурного подхода к изучению сказочного текста. В этот период учеными были разработаны различные научные теории, основанные на теории Проппа. В статье рассматривается роль сказочного жанра в фольклоре, его особенности и научные исследования в этой области. В частности, анализируются разные научные подходы к жанру сказки в разные исторические периоды.

Ключевые слова: фольклор, жанр сказки, генезис сказки, указатель Аарне-Томпсона, актантная схема, схема Меккано

Sadokat Toshpulatovna Kuchkorova

Doctoral student (PhD)

Samarkand State Institute of Foreign Languages

e-mail: ksadokat@yahoo.fr

ABOUT THE ROLE OF FAIRY TALES AS A GENRE IN FOLKLORE**ABSTRACT**

This article discusses the role of the fairy tale genre in folklore, its peculiarities and scientific research in this domain. In particular, different scientific approaches to the genre of fairy tales in different historical periods are analyzed. The seventeenth and nineteenth centuries are marked by the emergence and development of views on their genesis, along with the collection and publication of fairy tales in folklore. In the twentieth century, especially, after the publication of Russian folklorist V. Propp's book *Morphology of the Folktale*, it is the busiest period of the structural approach to the study of fairy tale text. During this period, scientists developed various scientific theories based on Propp's theory.

Key words: folklore, fairy tale genre, genesis of fairy tales, Aarne-Thompson Index, actantial schema, Meccano schema

Кириш. Илмий атамашуносликда халқ оғзаки ижодини ифодаловчи фольклор (инг. folk - халқ ва lore – билим, донолик) атамаси биринчи марта 1846 йилда инглиз олими Уилям Томс томонидан киритилган ва Ўзбекистонда термин 1932 йилларда ушбу соҳанинг йирик вакили Ҳ. Зарифов томонидан қўлланган. Унгача “эл адабиёти”, “оғзаки адабиёт”, “оғиз адабиёти” каби атамалардан фойдаланилган [1, эл].

Эртақ – “халқ оғзаки поэтик ижодининг асосий жанрларидан бири; тўқима ва уйдирмага асосланган, сеҳрли-саргузашт ва маиший мазмундаги эпик бадиий асар; чўпчак” ҳисобланади[2, эл].

Ўзбек фольклоршунослигидаги “эртақ” атамасининг келиб чиқиши хусусида кўп илмий тахминлар мавжуд. У биринчи марта XI арда яратилган Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида унинг “этуқ” тарзида қўлланганлиги, ушбу жанрнинг бизнинг ўлкада ҳам жуда қадимдан мавжуд эканлигини исботлайди. “Этуқ” сўзи бирор воқеани оғзаки тарзда ҳикоя қилиш маъносини билдиради. “Эртақи” сўзи “эрта”, “эртанг” сўзларидан келиб чиқиб, “эртаги, қадимги, аввалги” маъноларини беради[3,50б]. “Эртақ” атамаси Ўзбекистоннинг барча вилоятлари аҳолиси учун бирдай таниш бўлса-да, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё ўзбеклари орасида “матал”, Бухоро атрофидаги туман-қишлоқларда, шунингдек бошқа ерлардаги икки тил (ўзбек ва тожик тиллари) да сўзлашувчи аҳоли ўртасида “ушук” деб аталади, тошкентликлар “чўпчак”, хоразмликлар “варсақи” дейишса, баъзи ҳудудларда “ўтирик”, “тутал” каби атамалар ҳам учрайди [4,71б].

“Чўпчак” сўзининг келиб чиқиши хусусида Б.Каримий, “чўрчак” ёки “чўпчимак”, “чўрчимак” яъни, “майда-чуйда чўпларни” териш маъносини майда новеллачлар(эртақлар)га муқояса этилган шакли ҳақидаги фикрни билдирган [3, 51б].

Эртақнинг муаллифи – халқдир. Халқ оғзаки ижодига мансуб – жамоа маҳсули, оғзаки йўл билан тарқалиши, анъанавийлик, анонимлик ва кўп вариантлик каби сифатлар ушбу жанрга ҳам хосдир.Эртақ сўзлашнинг ҳам ўзига хос шарт-шароитлари мавжуд бўлган, у профессионал даражадаги эртақчилар томонидан ижро этилган. “Эртақчи – қалбни овутиш, шод этиш, хаёл оғушига олиб кириш, фантастик ҳодисалар мазмунини ҳис этиш, сезиш, англаш, закланиш, фикрлаш қобилятини ривожлантиришга ҳисса қўшиб, турли хил ахлоқ нормаларини кузатиш, фарқлашга ўргатувчи муаллим, таълимий-эстетик завқ берувчи санъаткордир” [3,190 б]. Эртақчи мос руҳий ҳолатларга кира олади, айниқса сеҳрли эртақлар ижросида унинг сирли оламини ҳис этишлари учун овоз жилосини, гоҳ шивирлаб, гоҳ кўтариб, мимика, кўз ва гавда ҳаракатларини қўшади; хайвонларга хос овозларни тақлид қилади.

Барча маданиятларда эртақ айтиш ва эшитиш учун учун замон ва макон тушунчаси муҳим ҳисобланган. Ўзбек халқи ушбу жанрга қанчалик жиддий муносабатда бўлганлигини Эртақ эрмак эмас, эртақчи оғзига келганини демас ёки унинг, одатда тунда ҳикоя қилиниш анъанасига ишора қилиб Достон кунда айтилади, эртақ тунда каби халқ мақолларидан билса бўлади.

Эртақлар халқнинг барча вакиллари орасида ҳикоя қилинган, турли халқларда ушбу ўзига хос “маросим” ижросида турли анъаналарга амал қилинган. Масалан, Европа халқларида эртақни давра куриб эшитиш учун осойишта ёки мусиқали муҳит яратилган. Жой танлашда эса, одатда дарахт остини, сув бўйини ёки кўпинча, гулхан атрофини танлашган. Танланган жойлар ҳам ўзига хос рамзий маъноларга эга бўлган: сув бўйини, масалан, сув – ҳаёт ва касаллигу гуноҳларни ювиб кетувчи покизалик рамзи бўлганлиги учун, танлашган бўлса, олов атрофини ёввойи ҳайвонлар ва ёвуз руҳлардан паноҳда бўлишлари учун маъкул кўришган[8,p187]. Франциянинг Бретан вилоятида ҳамма ҳориб чарчайдиган, ўзбеклар тили билан айтганда “тирама”, яъни йиғим-терим мавсумида ва баҳорги экин-тикин пайтида ҳеч ким эртақ айтмаган. Малидаги Догон қабиласи аҳолиси учун курғоқчилик мавсуми эртақ айтиш учун маъкул давр ҳисобланса, Янги Гвинеяда йилнинг маълум даврлари ва кунларида эртақ сўзлаш ёнғинларни келтириб чиқаради деб ишонганлар. Баъзи халқларда таъқиқланган мавсумда эртақ айтган киши кал бўлиб қолади деб кўрққанлар[8,p192].

Асосий қисм. Эртақларни таснифлаш бўйича фольклоршунослар турлича фикр билдирганлар, ўзбек эртақшунослари орасида ҳам бу ҳолат кўзга ташланади. Ўзбек эртақшуноси М.Афзалов эртақларни фантастик ва реалистик турлар асосида уч ички хилга бўлади: а) ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар; б) сеҳрли-фантастик эртақлар; в) ҳаётий-сатирик эртақлар[9,216]. Яна бир атоқли ўзбек фольклоршуноси К. Имомов эртақларни образлар талқини, ғоявий мазмуни ва конфликти, сюжет ва композицияси, уйдирмаларнинг ўрни ва вазифаси, тили ва услубига кўра, шартли равишда ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар, сеҳрли эртақлар, маиший эртақлар, ҳажвий эртақларга бўлади.[10,22 б]

Ўзбек эртақларини тўплаш ва ёзиб олиш Маҳмуд Қошғарийга бориб тақалади, айнан унинг машҳур “Девону луғотит турк” асари ўзбек халқи оғзаки ижодини тадқиқ қилишга оид илк қимматли манба ҳисобланади. Ушбу соҳага қизиқиш XIX асрнинг охириги чорагига тўғри келган бўлса, XX асрнинг биринчи чорагини халқ оғзаки ижоди намуналарини йиғишнинг авж палласи дейиш мумкин. Ўрта Осиёда фаолият олиб борган А.Диваев, А.Эйхгорн, А.Н.Самойлович, Н.П.Остроумов, В.Вяткин, Л.Кунь, Н.Ликошин, П.Комаров, А.Хорошхин, каби тилшунос, фольклоршунос олимлар ўзбек фольклори намуналарини ёзиб олиб, асосан рус тилида чоп қилдилар. XX асрнинг бошида Ҳ.Т.Зарипов, О.Юнусов, Элбек, Е.Д.Поливанов, Л.Потапов, Бекжон Раҳмон, Қ.Рамазонов, А.Алавий, Ш.Ризо, Ш.Рўзи, М.Алавиянинг номлари ўзбек фольклори нодир намуналарини ёзиб олиш мақсадида ташкил қилинган дастлабки экспедициялар рўйхатида эди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, XIX аср халқ оғзаки ижоди намуналарини ҳам назарий, ҳам амалий томондан тадқиқ қилиш тараққий этди. Энди эртақларни фақат тўплаш ва нашр қилиш эмас, балки уларни жанр сифатида илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш масаласи юзага чиқди. Бу борада қилинган дастлабки энг йирик ишлардан бири сифатида 1907 йилда ташкил этилган “Халқаро фольклоршунослар жамияти” (“Folklore Fellows Communications”) ёки қисқартирилган “FFC) асосчиларидан бири “фин мактаби” намояндаларидан бири Антти Амагус Аарне (1867-1925)нинг 1910 йилда немис тилида чоп эттирган (юқорида тилга олинган) “Эртақ типларининг кўрсаткичи (классификатор)” (“Verzeichnis der Marchentypen”) асарининг ҳозирги кунда ҳам моҳиятини йўқотмаганлиги фольклоршунослар томонидан таъкидланади. Ушбу кўрсаткичда А.Аарне Европа халқлари эртақларини сюжетлар бўйича таснифлаб, муайян типларга ажратган. Ушбу кўрсаткич муайян эртақнинг бир нечта версия ва вариантларини гуруҳлаштириш имконини берган.

Ушбу таснифда биринчи гуруҳда 1 дан 299, иккинчи гуруҳда 300 дан 1199, учинчи гуруҳда 1200 дан 1999 гача рақамланган эртақлар ўрин олган.

Кўрсаткич 1928 йил Блумингтондаги (АҚШ) Индиана университети профессори Стит Томпсон томонидан инглиз тилига таржима қилинди ва чоп этилди. 1961 йилда эса тўлдирилган ва қайта ишланган ҳолда чоп этирилди. Ушбу классификатор дастлаб, фольклоршунослар томонидан жуда яхши кутиб олинган бўлсада, улар орасида уни “... мотив кўрсаткичлари ва эртақ сюжетларидан библиографик мақсадда фойдаланиш, ёки улар рамзлар юзасидан конспект сифатида хизмат қилиши мумкин бўлсада, уларнинг таянч бирликлари – мотив ва сюжет (tale-type) киёсий изланишлар учун ишончли асос бўла олмайди [11,ст15] деган фикрни бўлишувчилар кўпчиликни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичнинг камчиликлари сифатида куйидагилар кўрсатилган: а) эртақлар таснифи фақатгина мотивлар бўйича амалга оширилган ва тадқиқотда “мотив”, “сюжет” ва “тип” ҳақидаги назарий асослар мавҳум бўлиб қолган; б) метод содда, схематик ва маълумотларда ноаниқлик ва юзакилик бор; в) кўрсаткичда XIX асрдаги тўпланган эртақлар олинган ва эртақнинг барча вариантлари бир хилда баҳоланган ҳолда таҳлил схематик-статистик усулда олиб борилган. Бундай тадқиқот натижасида эса, эртақнинг дастлаб пайдо бўлган энг содда сюжет ўзаги эмас, балки мукамал мотивлар таркибига эга бўлган яхлит матн, яъни эртақ тараққиётининг энг кейинги маҳсули аниқланган.

2004 йилда немис олими Ханс Йорг-Утер ушбу каталогни қайта ишлаб, ўзгартиришлар киритди ва янги 230 та эртақни қўшди.

Эртақларни тўплаш ва нашр қилиш баробарида, турли мактаб намоёндалари томонидан эртақлар генезиси борасида назария ва қарашлар пайдо бўлди [5,р212; 14]:

1. 1856 йил Макс Мюллер ҳинд-европача ёки мифологик назарияни киритди. Унинг фикрича, Европа халқ эртақларининг барчаси тарихгача бўлган даврдаги Ҳиндистонда пайдо бўлган куюш билан боғлиқ қадимги мифлардан келиб чиққан. Ушбу қараш олимлар томонидан қўллаб-қувватламаган.

2. Мюллердан сал кейинроқ, 1859 йилда яна бир немис олими Теодор Бенфе индианизм назариясига асос солди. У эртақларнинг келиб чиқишини сал кейинги даврдаги Ҳиндистонга бориб тақади. Унинг ушбу назарияси ҳам рад этилди

3. Этнографик назария 1873 йил Буюк Британиялик олим Эндрю Лэнг томонидан киритилди. Ушбу назари бўйича, эртақ полигенези – ўхшаш маданиятлар ривожланишининг бир хил даврида халқлар томонидан амалга оширилган қадимги расм-русумларга бориб тақалади. Бу ҳолат инсоният руҳиятининг яхлитлигини ифодалайди.

4. Ритуаллик назарияси 1923 йилда француз олими Поль Сентив томонидан киритилди. Этнографик қарашларга яқин ушбу назария ҳам эртақларни ибтидоий урф-одатларнинг “хотираси” сифатида талқин қилсада, эртақ персонажлари қадимги маросим қатнашчилари билан бевосита боғлиқлигини таъкидлайди.

5. Рус олими В. Пропп марксистик назарияга асос солди. Ушбу қараш палеолит даври жамиятларидаги иқтисодий ишлаб чиқариш урф-одатларни келтириб чиқаради ва шу тариқа, миф ва унинг асосида эртақлар пайдо бўлади.

В.Пропп 1928 йилда нашр қилинган “Морфология сказки” асари орқали эртақ жанрини структурал, синтагматик планда сюжет асосида тадқиқ қилди [19]. Ушбу изланишлар давомида у юзта рус халқ эртаги матни таркибини таҳлил қилар экан 4 та марказий ҳолатни белгилади:

1. Эртақ қаҳрамонларининг функцияларининг инвариантлиги. Бунда қаҳрамоннинг кимлиги ва функция қандай йўл билан амалга ошириладилигининг фарқи йўқ.

2. Сеҳрли эртақлардаги функциялар сони чегараланган.

3. Функцияларнинг кетма-кетлиги ҳар доим бир хилда бўлади. Лекин бу ҳолат фақат фольклор эртақлар, яъни халқ эртақларига хос (кейинчалик пайдо бўлган муаллифлик эртақлари бу таснифга кирмайди).

4. Тузилиш жиҳатдан барча сеҳрли эртақлар бир турга мансуб бўлади.

Олимнинг фикрича, рус халқ сеҳрли эртақлари 31 та функциядан – бош қаҳрамон бирон нарсага муҳтож бўлиши, қаҳрамоннинг етишмаётган нарчасига эга бўлиши, унга қандайдир ҳатти-ҳаракатнинг таъқиқланиши, ушбу таъқиқнинг бузилиши, кучли рақибга дуч

келиши, хавфли сафарга чиқиш, сафар якуни каби ва бошқалардан иборат. Мазкур функциялар етти хил персонаж томонидан амалга оширилади: 1. Зиён келтирувчи ёки ёвуз; 2. Совға берувчи (ёки таъминловчи); 3. Ёрдамчи (ёки от, ёки фаришта, ёки сеҳрли узук); 4. Қидирилайётган персонаж (одатда шоҳ қизи ёки шоҳ); 5. Жўнатувчи; 6. Қаҳрамон; 7. Сохта қаҳрамон.

Шу билан бирга олим ўз асарида, ушбу персонажларнинг ҳаракат доирасиниям белгилаб берган. Кўп тилларга ўгирилган мазкур илмий изланиш маҳсули Иккинчи жаҳон урушидан кейин кўплаб соҳа вакилларининг қизиқишига сабаб бўлди. Айниқса, 1960 йилларда “бошида фольклор матнларнинг, кейинчалик бошқа ҳикоявий матнларнинг структуравий таҳлили учун намуна сифатида фойдаланила бошланди ва структур-семантика бўйича қилинган ишларга жуда катта таъсир кўрсатди” [17, ст170]. Айниқса, асар инглиз тилига таржима қилингандан сўнг, кўплаб европалик (С.Levi-Strauss, 1960; А.Greimas, С.Vremond, 1982; Мах Lüthi, 1974) ва америкалик (А.Dundes, 1962; Jacobs, 1959) олимлар ўртасида асарнинг ютуқ ва камчиликлари хусусида илмий баҳс-мунозаралар юзага келди. Ушбу асар асосида, айниқса, француз фольклоршунослари томонидан илмий қарашлар ривожлантирилди.

Француз этнолог олими Клод Леви-Стросс (1908-2009) В.Пропп ёндашуви юзасидан “аёвсиз” танқидларни келтирди. Сеҳрли эртакларнинг жанрга хос хусусиятларини излаган В.Пропп, уларнинг айтилиши, замонда ривожланиши ва синтагматик жиҳатдан маълум сюжет рамкасидаги ҳар бир синтагма функциясининг моҳиятини тушунтиришни олдига мақсад қилган. Мифларни илмий тадқиқотларининг асосий объектига айлантирган Леви-Стросс эса, мифларнинг турли вариантларини қиёслаган ҳолда, уларга хос мантиқ ва парадигматикани тадқиқ этган. Олим рус фольклоршуноси асари камчиликлари сифатида қуйидагиларни кўрсатган: 1) олим шакл (форма) ни мазмундан ва эртакни мифдан узиб қўйган ва у ҳеч қандай билим бермайди: чунки формалистлар ўз материални тарих билан боғламаган ҳолда тадқиқ қилишади; 2) “... у фольклорга хос бўлган - айнан сўзда, бир вақтнинг ўзида ҳам луғат ҳам синтаксис акс этишини унутиб қўйиб, лексикасиз грамматикани яратишга ҳаракат қилган [18]”; 3) Пропп этнограф эмас ва у фақатгина эртаклар билан ишлаган; 4) ишда асос қилиб олинган “функция” атамасининг аниқ назарий мезонлари кўрсатилмаган ва бу ҳолат фикрлардаги ноаниқликларни келтириб чиқарган; 5) Проппнинг дастлаб бир нечта вариантларга эга ягона архи-эртак мавжуд бўлганлиги ҳақидаги хулосаси тушунарсиз ва мавҳум бўлганлиги сабабли мулоҳазага ўрин бермайди [12].

Яна бир француз тилшуноси Антуан Фаврнинг фикрига кўра ҳам, фин мактаби (ААрне ва Томпсон) эртакларнинг фақат мазмунига эътибор бериб “айбдор” бўлсалар, Пропп мазмунни четда қолдириб, фақат структура билан чекланиб қолганлиги учун танқидга учради [13].

Француз семиологи Клод Бремон эртакни “Мессано” номли металл конструкцияли ўйин (Ф. Хорби томонидан 1901 йил ихтиро қилинган ривожлантирувчи ўйин тўпламлари. Тўпламларнинг асосини мурват ва гайкалар орқали бирлаштириш ва турли нарсалар (бино, самолёт, поезд, автомобиль ва ҳ.)ни йиғиш имконини берадиган тешик пластиналар ташкил этади. (изоҳ ўзимники)) га қиёслади. Унинг фикрича, худди ўйиндаги каби, ҳар бир эртакчи ўз варианты орқали, эртакдаги нисбатан чекланган элементларни туганмас равишда бирлаштиради. Олим Проппнинг 31 функциясини ҳатти-ҳаракат хусусиятларига кўра кам сонли нарратив кетма-кетликларга бирлаштирди. У, “Мессано” ўйинидаги асосий металл конструкция сингари, эртакдаги учта асосий босқични белгилади:

1. ечилиши керак бўлган муаммо пайдо бўладиган бошланғич вазият (problème à résoudre)
2. қаҳрамон синовларга дучор бўладиган ҳаракатга ўтиш босқичи (passage à l'acte)
3. қаҳрамон мукофотланадиган ёки рақиблар жазоланадиган сўнгги вазият (succès ou échec) [20]


Аарненинг кўрсаткичига “... тасниф эртак структурасига эмас, балки муаллифнинг субъектив фикрига асосланган” [11,ст19] дея фикр билдирган америкалик фолклоршунос

Алан Дандес (1934-2005) Пропп асари ютуғи сифатида, муаллифнинг структурал таҳлилдаги турғунлик ва ўзгарувчанликни аниқ ажрата олганлигида кўради.

“Агар “проппча” ёндашувга (Эртак морфологияси асари асосида) ёпик структураларнинг ўзига хос таҳлили, “леви-строссча” ёндашувга мифологик тафаккурга оид элементларни аниқлаш хос бўлса, Дандес методи учун кўриб чиқилаётган структуранинг ташқарисига чиқиш муҳимдир: конкрет изоморф структураларни таҳлил қилиш жараёнида, у матнни яратувчи “маданий моделлар”ни аниқлашга интилади”[11, ст9]. Олим Пропп ишлатган “функция” атамасини барча лингвистлар ўзича талқин қилишини ва асар бошқа тилларга таржима қилинаётганда ушбу бирликнинг маъноси ўзгариб кетиши ёки мавҳум бўлиб қолишини назарда тутган ҳолда, уни мотивема деб аташни таклиф қилган[11,ст22]. Бундан ташқари, Дандес В.Пропп тасниф қилган 31 функция ичидан атрофига барча функцияларни умумлаштирувчи функцияларни аниқлаб, наинки сеҳрли эртаклар, балки бошқа эртак турларини таснифлаш учун ҳам қўллашга ҳаракат қилган.

Париж Семиотика мактаби намояндаси А. Ж. Греймас (1917-1992) Проппнинг қаҳрамоннинг ҳаракат доираси хусусидаги ёндашуви ва Леви-Стросс хулосаларидан фойдаланиб, синтагматик функциялар орасидаги парадигматик муносабатларни белгилашга интилди ва эртаклар таҳлили учун элементар структурани таклиф қилди. Проппнинг етти персонажи асосида олти функцияли актантли схемасини яратди.(1-расм)

1-расм



«Актант» термини (французча *actant* - «ҳаракатланаётган») француз лингвисти Люсьен Теньер томонидан 1930-1950 йилларда киргизилган бўлиб, ҳаракатнинг фаол қатнашчиси, иштирок этувчи персонажни билдириш учун қўлланилади. Француз тилшуноси А. Греймас, ҳар қандай матн, жумладан эртак матни, негизида ётадиган фундаментал умумий нарратив (ҳикояга оид) моделни актантли модел деб атади [15].

Ушбу схема бўйича учта актантли синф ажратилади: субъект/объект, жўнатувчи (адресант)/қабул қилувчи(адресат), ёрдамчи/оппонент. Улар эртакдаги мумкин бўлган барча муносабатларни ва инсон фаолияти доирасидаги ишларнинг моҳиятини қамраб олади [16].

Греймаснинг моделидаги жўнатувчи (адресант) актантига Проппнинг юқорида келтирилган жўнатувчи ва маликанинг отаси персонажлари, ёрдамчисига - сеҳрли ёрдамчи ёки совға берувчи (ёки таъминловчи) персонажи, қабул қилувчи (адресат)ига бир вақтнинг ўзида актантлар схемасида субъект бўлиб келадиган қаҳрамон персонажи тўғри келади. Объект эса шоҳ қизидир. Ёрдамчи ва оппонентни Греймас вазиятлар билан боғлиқ иккинчи даражали шахсларга киргизади. Греймаснинг талқинича, жўнатувчи – қабул қилувчи зидлигида хабардорлик, билиш (знать); ёрдамчи ва оппонент зидлигида қўлидан келиш, удалай олишлик(мочь); субъект ва объект зидлигида истак-хоҳиш (хотеть) каби модал маънолар англашилади.

Олим бир персонаж қиёфасида бир вақтнинг ўзида икки актантнинг бирлашиши мумкинлигини инкор қилмайди. Бу ҳолатга мисол қилиб, тўй билан ниҳоясига етган севги эртагини мисол келтиради: бу ҳаракатнинг субъекти бир пайтнинг ўзида севгининг қабул қилувчиси (адресати) сифатида, объекти эса адресант сифатида намоён бўлади. Шу тарзда, икки қаҳрамон ҳам симметрик, ҳам қарама-қарши планларда тўртта актантга бирлашади [17, ст178].

Хулоса. Кўриниб турибдики, эртақ жанрининг ўрганилишига айниқса, кейинги асрларда жуда катта қизиқиш билдирилган. Айниқса, XX асрни эртақ жанри ўрганилишининг энг муҳим даври сифатида талқин қилиш мумкин. Ушбу жанрнинг фольклоршунослар ва тилшунослар томонидан структурал ва нарратив жиҳатдан тадқиқ этилиши жараёнида юзага келган назариялар, ёндашувлар, ўзгартириш ва кўшимчалар нафақат эртақ матнларини, балки, турли бадий матнлар таҳлилида қўллаш имкониятини берадиган усулларни пайдо қилди. XX асрда эртақ жанри энди тилшуносларнинггина эмас, рухшунослар, этнографлар ва ҳуқуқ соҳаси вакиллари тадқиқотларининг ўрганиш объектига айланди. Америкалик рухшунос олим Б.Беттелгейм (Сеҳри эртақлар психоанализи), немис рухшунос олими Мари вон Франц (Эртақ психологияси), Франциядаги ҳуқуқ соҳасидаги олий таълим муассасалари вакиллари томонидан чоп этилган асарлар (Сеҳри эртақларнинг юридик таҳлили) шулар жумласидандир. Халқнинг маънавий бойлиги ҳисобланмиш эртақларни ҳар томонлама ўрганиш ҳали ниҳоясига етмаган ва улар қўплаб илмий тадқиқотларнинг мавзуларига айланиши шубҳасиздир.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. «ЎМЭ» Давлат илмий нашриёти, Тошкент (электрон)
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. ЎМЭ, Тошкент (электрон).
3. XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология. ЎМЭ нашриёти. Тошкент, 2017. – 592 б.
4. M. Murodova. Folklor va etnografiya. «Aloqachi». — Т., 2008. – 100 б.
5. M. SIMONSEN Le conte populaire. Presses Universitaires de France, 1984. – 222 ps.
6. Le Petit Robert. Dictionnaire de la langue française. Paris, 2003.
7. JEAN, Georges, Le pouvoir des contes, Casterman, 1981, - 239 ps.
8. Афзалов М. Ўзбек халқ эртақлари ҳақида, «ФАН» 1904.
9. Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. «ФАН», 1981.
10. Дандес Алан. Фольклор: семиотика и/или психоанализ. Сборник статей. Москва «Восточная литература», РАН, 2003. - 279 ст.
11. В. Я. Пропп. Фольклор и действительность. Избранные статьи. из. Наука, Москва, 1976. – ст. 132-152
12. Antoine Faivre, Les contes de Grimm, Mythe et Initiation. Paris, Lettres Modernes, 1979
13. Martens Charles. L'origine des Contes populaires. In: Revue néo-scholastique. 1^е année, n^о3, 1894. pp. 235-262; doi : <https://doi.org/10.3406/phlou.1894.1380>
14. Актантные модели как метод изучения текста по А. Греймасу. <https://studfile.net/preview/8097872//page:3/11/01/2020>
15. Greimas, Algirdas J. Semantique structurale. Paris Larousse, 1966
16. Структура волшебной сказки. Москва, 2001. – 229 ст.
17. Французская семиотика: от структурализма к постструктурализму. – М: Изд. Группа “Прогресс”, 2000. Ст 121-152
18. В. Пропп. Морфология сказки. Л.: Академия, 1928
19. www.ecoles.cfwb.be/ Les mecaniques des contes

СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 1 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 1

INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 1